

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 19-aprel, shanba № 30 (15772)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 69 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 600 000 (олти юз минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджетидан маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2014 йил 18 апрель



5-бетга қаранг

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2014 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг I чора-ғида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари муҳокамасига ва шу йил 17 январда республика Ҳукуматининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан белгилаб берилган 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устуворликларини амалга оширишни баҳолашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида иқтисодиёт ўсишининг барқарор юқори суръатларини, бунинг учун энг аввало инвестиция иқлими ва тадбиркорлик муҳитини тубдан яхшилаш, ишлаб чиқаришларни технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва инфраструктурани жадал ривожлантириш ҳисобига мавжуд захиралар ва имкониятларни сафарбар қилишни таъ-

минлайдиган иқтисодиётни ривожлантириш ва модернизациялашнинг қабул қилинган стратегиясини амалга ошириш ишларининг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва танқидий таҳлил қилинди. Шунингдек, аҳоли бандлиги ва фаровонлиги даражасини янада ошириш масалалари мажлис иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

(Давоми 2-саҳифада)

2014-yil — Sogʻlom bola yili

## БОЛАСИ СОҒЛОМ ЮРТНИНГ ЭРТАСИ ЁРУФ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда соғлом она — соғлом бола масаласи давлатимиз сиёсатининг энг муҳим, устувор йўналишларидан бирига айланди.

Президентимиз ташаббуси билан пойтахт ва вилоятларда янги, замонавий тиббиёт марказлари ташкил этилди. Жумладан, болалар ўртасида ирсий касалликлар ва туғма ногиронликни барвақт аниқлаш мақсадида пойтахтимиз ва вилоят марказларида скрининг хизматлари йўлга қўйилиб, боланинг ҳали у дунёга келмасдан соғломлигини назоратга олишга алоҳида эътибор қаратилди. Республика «Она ва бола скрининги»

маркази ҳам истиқлол шарофати туфайли халқимизга хизмат қилиб келаётган замонавий тиббиёт даргоҳларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасида: «Соғлом болани вояга етказишда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрни ва таъсири, шу билан бирга, масъулияти катта

эгани ҳаммамизга яхши аён», дея соҳа олдидаги муҳим вазифаларни яна бир бор эслатган, қилиниши лозим бўлган ишларга тўхталиб ўтган эди.

Хўш, бугун бу борада қандай ишлар қилинапти? Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг соғлигини назоратга олиш каби долзарб вазифаларни амалга оширишга масъул Республика «Она ва бола скрининги» маркази фаолияти қандай кечмоқда? Шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида Марказ директори, тиббиёт фанлари доктори **Мадина Шариповага** мурожаат қилдик.

(Давоми 6-саҳифада)

## Hududlardan mujdalar

ҚОРАҚАЛПОГИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ

**«Камолот» ЁИХ  
Қорақалпоғистон  
Республикаси  
кенгаши Эллик-  
қалъа санъат ва  
педагогика кол-  
лежида «Сиз  
севган қахрамон-  
лар» мавзуида  
ижодий учрашув  
ўтказди.**

Унда эл суйган санъаткорлар — Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Тоҳир Саидов, Гавҳар Зокирова, Шоҳида Исмоилова иштирок этди. Улар ўқувчиларга Ўзбек миллий академик драма театрининг ўтмиши, бугуни ва бу даргоҳда фаолият кўрсатаётган устозлар ҳақида гапириб беришди.

Ижодий учрашув савол-жавобларга бой, қизиқарли бўлди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

**Фарғона политехника институтида  
Харакатнинг вилоят  
кенгаши ташаббуси  
билан «Ёшларни ёт  
ғоялар таъсиридан  
сақлашда оила ва  
ўқув муассасанинг  
ўрни» мавзуида  
давра суҳбати  
ташқил этилди.**

Давра суҳбатида талабалар ва уларнинг оналари иштирок этди. Уларга «Нуроний» жамғармасининг вилоят бўлими бошлиғи Т. Холдорев, институт ректори О.Отақулов ёшларнинг соғлом турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатаётган ичкиликбозлик, кашандалик, гиёҳвандликнинг оқибатлари ҳақида гапириб беришди. Сўнгра йиғилганлар эътиборига «Биз соғлом турмуш тарафдоримиз» ҳужжатли фильми намойиш этилди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

**«Камолот» ЁИХ  
Андижон вилояти  
кенгаши қошидаги  
«Ўқув-услугий  
марказ» томонидан  
Ёш лидерлар ассо-  
циациясининг се-  
минар-тренинги  
ўтказилди.**

Семинарда ёшлар онгини захарлаётган маънавий хуружлар, салбий иллатлар, турли ёт оқимларга қарши курашда Ёш лидерлар ассоциацияси фаолларининг олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишлари ҳақида йиғилганларга маълумотлар берилди.

Тренинг аралаш мантиқий занжирлар ҳамда ақлий ҳужум ўйинлари билан интерфаол усулда ташқил этилди.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми, аввали  
1-саҳифада)

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишида муаммолар ва хавфхатар мавжудлигига қарамай, 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устуворликларини изчили ва мақсадга йўналтирилган тарзда амалга ошириш туфайли Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини сақлаб қолиш, мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялашни янада чуқурлаштириш таъминланаётганлиги қайд этилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 7,5 фоизга ўсди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,2 фоизга, хизматлар кўрсатиш 11,8 фоизга кўпайди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогност параметрлардан ошмади.

Саноат тармоқларини ривожлантириш устуворликларини амалга ошириш, шунингдек, ички талабни мувозанатли рағбатлантириш ва ички бозорни рақобатбардошли маҳаллий маҳсулотлар ва хизматлар билан янада тўлиқроқ тўлдириш чора-тадбирлари истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 12,8 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ва хизматлар кўрсатиш ҳажми 9,1 фоизга кўпайишига кўмаклашди. Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида истеъмол маҳсулотлари улуши 2013 йилнинг биринчи чорагидаги 29,5 фоиз ўрнига 34,4 фоизгача кўпайди.

Жисмонан соғлом, маънавий етук ва баркамол ўсиб келаётган авлодни вояга етказиш бўйича «Соғлом бола йили» Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни фаол амалга ошириш бошланди. Ушбу тадбирларни молиялаштиришга жорий йилнинг биринчи чорагида барча манбалар ҳисобига қарийб 1 триллион сўм миқдорида маблағ йўналтирилди.

Мажлисининг кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида «бизнес билан шуғуллан» тамойили бўйича ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга йўналтирилган амалий чора-тадбирларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқишга, ушбу мақсадларда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни жадаллаштиришга, интерактив давлат хизматлари кўрсатиш кўламлигини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилди. Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар фақат жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнеснинг 7,3 мингта янги субъектларини ташқил этишга кўмаклашганлиги қайд этилди. Ҳисоботларни алоқанинг электрон йўллари бўйича топ-

ширишнинг юзма-юз алоқасиз шакллари фаол жорий этиш натижасида бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари солиқ ҳисоботларининг 95 фоизини, статистика ҳисоботларининг 88,6 фоизини электрон шаклда топшироқда. Божхона юк декларацияларининг 95 фоизга яқини электрон усулда расмийлаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2014 йил 7 апрелда қабул қилинган Фармонида назарда тутилган қўшимча дастурий чора-тадбирларни амалда бажариш, шу жумладан, янги имтиёзлар ва преференцияларнинг кенг доираси, ҳар хил лицензия ва рухсат берувчи тартиб-таомилларнинг муҳдатларини тубдан қисқартириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнесни юритиш, иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун шарт-шароитларни янада яхшилаш борасида навбатдаги муҳим босқич бўлиши алоҳида таъкидланди.

Шу муносабат билан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражадаги ҳокимликлар раҳбарлари олдида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиб-қоидаларни янада такомиллаштириш бўйича мамлакат Президентининг 2014 йил 15 апрелдаги ПҚ-2164-сон Қарори талаблари сўзсиз бажарилишини таъминлашга доир аниқ вазифалар кўйилди. Лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг электрон шаклларига ўтишни жадаллаштириш, шунингдек, уларнинг сонини ва ҳужжатларни бериш муҳдатларини қисқартириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ишлаб чиқаришларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш, шунингдек, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича «йўл хариталари»ни амалга ошириш юзасидан протокол топшириқлари бажарилишининг ҳолати пухта таҳлил қилинди. Кўрилатган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида ўзлаштирилган капитал кўйилмалар ҳажми 12,4 фоизга ўсди. Ўзлаштирилган капитал кўйилмалар таркибидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 23,3 фоизгача кўпайди. 510 та янги объект фойдаланишга топширилди, 37 та йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланди. Инвестиция фаоллигининг ўсиши қурилиш-пудрат ишлари ҳажмлари 15,5 фоизга кўпайишига кўмаклашди.

Хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларига янги юқори технологик ишлаб чиқаришларни ташқил этиш, ишлаб турган қувватларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилаш, шунингдек, объектларни белгиланган муҳдатларда ишга тушириш бўйича инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширишни таъминлайдиган комплекс қўшимча чора-тадбирларни қабул қилиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига фойдаланилмаётган ер участкалари ва ишлаб чиқариш майдонларида янги замонавий корхоналар ташқил этиш ва тадбиркорлик субъектларига бериш учун уларни пухта хатловдан ўтказишни таъминлаш топширилди. Шу билан бирга, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича тасдиқланган «йўл хариталари»ни амалга ошириш устидан таъсирчан назоратни таъминлаш топширилди.

Мажлисида маҳсулот экспорти ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш, тузилмасини ва сотиш бозорларини диверсификациялаш бўйича кўрилатган чора-тадбирларнинг натижадорлигини батафсил таҳлил қилишга қаттиқ эътибор берилди. Жаҳон бозорларида конъюнктура барқарор эмаслигига қарамай, маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва ташқи сотиш бозорларини диверсификациялаш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи чорагида экспорт ҳажмлари 8,4 фоизга ўсишини таъминлаганлиги алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга, мажлис қатнашчилари олдида маҳсулотлар экспорти турлари ва ҳажмларини кенгайтириш, ташқи бозорларда уларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун комплекс амалий чора-тадбирлар кўриш вазифаси кўйилди.

Мажлисида инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини жадал ривожлантириш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойларни сифатли ва ўз вақтида қуришни таъминлаш дастурлари бажарилиши ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилинди. Жорий йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон миллий автомагистрალი таркибига кирувчи автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 63,5 миллиард сўмлик ишлар бажарилиди. Замонавий технологиялар бўйича кенг полосали 150 километр тола-оптик тармоқлар ётқизилди.

Мажлис қатнашчиларининг

эътибори жорий йилда қишлоқ турар жой массивларида намунавий лойиҳалар бўйича 11 мингта янги шинам уйларни қуриш ва фойдаланишга топшириш, шунингдек, ушбу массивларда ижтимоий ва бозор инфратузилмасининг замонавий объектларини қуриш ишларини жадаллаштириш зарурлигига қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига республика минтақаларида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида қурилиш ишларининг ўсиб бораётган ҳажмларини ҳисобга олган ҳолда 2014 йилда замонавий қурилиш техникаси билан жиҳозланган 20 та кучли ихтисослаштирилган қурилиш-пудрат ташкилотларини ташқил этиш учун зарур чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Мажлисида янги иш ўринлари ташқил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, шунингдек, қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича ҳудудий дастурларнинг бажарилиши ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан тасдиқланган 2014 йилда янги иш ўринлари ташқил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш дастури доирасида жорий йилнинг бошидан бошлаб 227,9 мингта янги иш ўринлари, улардан 137 мингтаси ёки 60,3 фоизи қишлоқ жойларда ташқил этилганлиги қайд этилди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш мобайнида тасдиқланган мақсадли параметрларга мувофиқ янги иш ўринларини ташқил этиш ва ҳисобга олиш ишларини ташқил этишда камчиликларга йўл қўйган бир қанча туманлар ва шаҳарлар раҳбарларининг фаолияти қаттиқ танқид қилинди. Барча даражалардаги ҳокимликлар, хўжалик бошқаруви органлари, корхоналар, тегишли вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари олдида янги иш ўринлари ташқил этиш параметрларига эришишни сўзсиз таъминлаш, шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ иш билан таъминлаш бўйича аниқ вазифалар кўйилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича республика вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Республика Ҳукумати мажлиси кун тартибига қўйилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари бажарилишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

■ Tashabbus ■

# ЯНГИ БОФ ИННОВАЦИОН БЎЛАДИ

Жорий йилда Тош-

кент вилоятининг Зангиота туманида «Камолот» ёшлар боғи барпо этилади. Уни аҳоли учун чинакам қизиқарли ва фойдали масканга айлантириш мақсадида Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши «Камолот» ёшлар боғининг энг яхши бизнес режаси» танловини эълон қилган эди.



Танловга пойтахтдаги олий таълим муассасаларидан ҳар бири беш нафар талабадан иборат йигирмага яқин жамоа инновацион лойиҳаларини тақдим этди. Иккинчи босқичга Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент архитектура ва қурилиш институти ҳамда Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоалари йўлланма олишди. Улар бизнес режаларини мутахассислардан таркиб топган ишчи гуруҳ олдига ҳимоя қилдилар. Ишларни баҳолашда таклиф этилаётган бизнес гоёнинг реаллиги, замон талаблари ва қурилиш меъёрларига мувофиқлиги ҳамда иқтисодий самарадорлигига эътибор қаратилди.

Учта совринли ўрин Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаларига

насиб этди. «Nexus» гуруҳи биринчи, «Футуристар» иккинчи ва «Style» гуруҳи учинчи ўринни қўлга киритди.

Ғолибларни тақдирлаш маросими Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши қошидаги «Ёшлар медиа маркази»да бўлиб ўтди. Унда ёшлар ташкилоти ҳамда вилоят ҳокимлиги вакиллари иштирок этди. «Камолот» ЁИХ Тошкент вилояти кенгаши раиси Оллоқул Худойбердиевнинг айтишича, Зангиота туманида қурилиши режалаштирилган «Камолот» ёшлар боғи ўн бир гектардан ортиқ майдонни эгаллайди. У замонавий дам олиш маскани бўлибгина қолмай, одамларнинг дунёқараши ва эстетик дидини бойитишга ҳам хизмат қилиши керак.

— Қандай қилиб, деган саволга ёшларнинг ўзидан жа-

воб олишга ҳаракат қилдик, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашининг ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар бўлими етакчи мутахассиси Фируз Облаёров. — Масалан, «Футуристар» жамоаси ёшлар боғини илмий-технологик услубда безашни таклиф қилди. Яъни ҳар бир аттракцион сизни қайсидир илмий янгилик билан таништиради. «Style» гуруҳи аъзолари эса боғдаги аттракцион ва бошқа объектларни юртимиз ҳамда дунёдаги машҳур меъморий иншоотларнинг кичрайтирилган макетлари сифатида тасаввур қилиб кўришди. Бунда сиз оддий кафе ёки ресторан эмас, Шердор мадрасасида тамадди қилишингиз ёки боғда сайр қилиб туриб Париждаги машҳур Эйфел минорасига дуч келишингиз мумкин.

— Биз ёшлар боғини ало-

ҳида тематик ҳудудларга ажратдик, — дейди «Nexus» жамоаси сардори Руслан Курбонбоев. — Унда футуристар бурчаги, динозавр ва мамонт каби кўҳна давр ҳайвонлари жонлантирилган ҳудуд, кичик ёшдаги болалар учун ўйин майдончаси, стол тенниси, трекинг ҳамда экстремал спорт турлари билан шуғулланиш имконини берувчи майдончалар ташкил этилади. Лойиҳани ишлаб чиқишда, албатта, дунё тажрибасига юзландик. Айрим гоёлар ўзимизники. Университетда тадбиркорлик асосларини ўрганганимиз боис бизнес режа тузиш қийинчилик туғдирмади. Уйлайманки, биз берган таклифлар Зангиота туманидаги «Камолот» ёшлар боғининг қурилишида асқотади.

Наргиза БАХОДИРОВА

■ Harbiy vatanparvarlik ■

## «ИСТИҚЛОЛ ПОСБОНЛАРИ» ҒОЛИБ

Ватанимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш борасидаги кўникмалар таълим-тарбия жараёни билан узвий ҳолда шаклланаётгани кўп қувонарли ҳол. Уч йилдирки, мамлакатимизнинг чегара ҳудудларида жойлашган касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Ёш чегарачи» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақаси ўтказиб келинмоқда.

Яқинда Жиззах шаҳридаги ҳарбий қисмда ушбу мусобақанинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда ҳудудлардаги касб-хунар коллежлари ўртасида саралаш босқичларида ғолиб чиққан жамоалар иштирок этди. Майдонда Бахмал ижтимоий-иқтисодиёт ва педагогика касб-хунар коллежининг «Адолат», Зомин маиший хизмат ва

транспорт коллежининг «Истиқлол посбонлари», Янгиобод агроиқтисодиёт коллежининг «Лочин», Мирзачўл агроиқтисодиёт коллежининг «Ватанпарвар» ҳамда Фориш туманининг «Шерюрак ўғлонлар» жамоалари шай бўлишди.

Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг руҳий ва

жисмоний тайёргарлигини яхшилашга хизмат қилиш, ватанпарварлик туйғусини камол топтириш, мамлакат сарҳадлари муқаддас эканлиги ҳақидаги тушунчани шакллантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган мусобақада иштирокчилар ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, биринчи тиббий ёрдам, тарих, инглиз тили каби ўн етти йўналиш бўйича ўз билим ва маҳоратини намойиш этишди.

«Истиқлол посбонлари» жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, мусобақанинг республика босқичига йўлланма олди.

Шоди ОТАМУРОД,  
«Turkiston» мухбири

■ Mahalla va yoshlar ■

## БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ

Миллий матбуот марказида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви ташаббуси билан «Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни спортга жалб этишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг роли» мавзуда матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви мутасаддилари,

ҳамкор ташкилотлар вакиллари, фуқаролар йиғини ходимлари, спорт мураббий-

лари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Анжуманда мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, спорт билан шуғулланиши, замонавий касб-хунарни эгаллашга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш,

бандликни таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Анжуман давомида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Тадбир якунида «Истиқлол — гурурим, маҳаллам — фахрим» кўрик-танлови ғолиблари рағбатлантирилди. Улар қимматбаҳо совғалар ва махсус дипломлар билан тақдирланди.

Шаҳло АБДУҚАЮМОВА,  
ЎзДЖТУ талабаси

## Hududlardan mujdalar

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

«Камолот» ЁИХ Зомин тумани кенгаши «Қадриятларни қадраймиз» лойиҳаси доирасида «Миллий ўйинлар» ҳамда «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» мавзуда фестиваль ташкиллаштирди.

Ёшлар фестивалига 12-болалар мусиқа ва санъат мактаби, касб-хунар коллежи ўқувчилари, «Баркамол авлод» ижодиёт марказининг фольклор, этнографик жамоалари бадий чқишлари билан қатнашди. Сўнгра миллий ўйинлар мусобақаси ўтказилди. Ғолиблар муносиб тақдирланди.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Зарафшон компьютер технологиялари касб-хунар коллежида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Унда академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари қатнашди. Жамоалар бешта шарт бўйича ўзларининг билим ва қобилиятларини синовдан ўтказишди. Зарафшон шаҳридаги академик лицейнинг «Адолат соҳиблари» жамоаси биринчи ўринни эгаллади ва танловнинг вилоят босқичига йўлланма олди.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

«Аждодлар мероси — келажак пойдевори» республика танловининг Боёвут туман босқичи тумандаги 5-мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтди. Танловни туман «Камалак» болалар ташкилоти ташкиллаштирди.

Унда тумандаги мактаблар ўқувчилари тўртта: таништирув, маънавий қадриятлар — миллий бойлигимиз, энг яхши тақдирот, тарих жонланганда шартлари бўйича ўзаро куч синашди. Натижада, 21-мактабнинг «Соҳибқирон» жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди.

\*\*\*

«Камалак» билимдонлари» танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 11 та жамоа иштирок этди.

Ғулистон туманидаги 3-мактабнинг «Камалак» жамоаси олий ўринни қўлга киритиб, танловнинг республика босқичига йўлланма олган бўлса, биринчи ўрин ўрин Боёвут туманининг «Ниҳол», иккинчи ўрин Хавос туманининг «Камолот» издошлари», учинчи ўрин Мирзаобод туманининг «Камалак» юлдузлари» жамоасига насиб этди.

# ҚУЁШЛИ ЮРТНИНГ БАХТЛИ ҚИЗИ

**Президентимиз фармонида мувофиқ жорий йилда**  
**Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақ-**  
**дирланган истеъдодли, изланувчан қизлар сафи-**  
**да Термиз қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи**  
**ўқувчиси Лутфия Баротова ҳам бор.**

Термиз туманидаги Қуёшли юрт маҳалласида улғайган Лутфия Баротова болалиқдан отаси Абдусаттор Абзаллаевнинг шифокорлик касбига ҳавас қилиб, биология фанига меҳр қўйди. Тумандаги 16-умумтаълим мактабида ўқиб юрган кезлари биология фани бўйича ўтказилган фан олимпиадаларида, турли маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этди. Спорт билан мунтазам шуғулланди. Иқтидорли ўқувчининг 2012 йил мамлакатимизда чоп этилган «Қишлоқ хўжалигини интенсив технология асосида ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари» тўпламидаги «Лаусур Нобилс кўчатларини етиштириш технологияси» ҳамда «Сурхондарё вилояти шароитида Стевианинг уруғ унвчанлиги» номли мақолалари мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. 2013 йил умумтаълим мактабини аъло баҳоларга тугатиб, Термиз қишлоқ хўжалиги касб-

ҳунар коллежининг агрономия таълим йўналиши бўйича ўқишга қабул қилинди. Айти пайтда «Сурхондарё шароитида балиқчиликнинг янги технологик усуллари» мавзусида илмий изланиш олиб бормоқда.

— Таълим йўналишидаги изланишларим муносиб рағбатлантирилганидан хурсандман, — дейди Лутфия Баротова. — Ҳозир илмий ишимни якунлаш арафасидаман. Шунингдек, инглиз ва рус тилларини пухта ўрганмоқдаман. Бунинг учун коллежимизда барча шароитлар бор. Биз, ёшларга замонавий шароит ва кенг имкониятлар яратиб бераётган давлатимиз раҳбаридан миннатдорман.

Коллежда бир минг 499 ўқувчи 12 йўналишда ўзлари танлаган касб сирларини чуқур ўрганаётир. Хорижнинг замонавий ускуналари ёрдамида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган цех, тажриба участкаси, спорт залида ёшлар учун барча



ЎЗА сурати

қулайлик яратилган. Турли фан ва бошқа тўғарақлар фаолият юритмоқда.

Лутфия дарсдан бўш вақтларида рассомлик, заргарлик тўғарақларига

қатнайди. Олти йилдан буён спортнинг шотокан каратэ-до ва дзюдо турлари билан мунтазам шуғулланади.

Унинг чизган расмларида болалиқнинг беғубор лаҳзалари, гўзал табиат манзаралари муҳрланган бўлса, заргарлик буюмлари нафис ва жилорлиги билан беихтиёр эътиборни ўзига тортади. Шотокан каратэ-до бўйича беш карра Ўзбекистон чемпиони 2012 йил Чехияда бўлиб ўтган халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллади. Уша йили Польшада ўтказилган шотокан каратэ-до бўйича ўқув семинарда фаол иштирок этиб, қора белбоғ 1-дан соҳибаси бўлди.

— Таълим муассасамизда 710 нафар қиз бола ўқийди, — дейди коллеж хотин-қизлар кўмитаси раиси Гулором Қиличева. — Уларнинг орасида Лутфия изланувчанлиги ва фаоллиги билан ажралиб туради. Унинг бундай фазилатларига тенгдошлари ҳавас билан қарайди. Буларнинг барчаси тинч-осуда юртимизда фарзандларимизни биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли қилиб вояга етказиш юзасидан кўрсатилаётган улкан ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**  
**ЎЗА мухбири**

## Istiqlol imkoniyatlari

# ХУНАРИДАН БАХТ ТОПГАН ИНСОН

**Халқимизнинг ўзига хос фазилатлари,**  
**турмуш тарзи, миллий урф-одатлари-**  
**миз, умуман, ҳаётимиз акс этган ма-**  
**қолларда ҳунар ва ҳунармандлар улғу-**  
**ланади. Чунки ҳақиқатан ҳам ҳунар —**  
**инсон умрининг беазаги, ҳунармандлар**  
**элининг энг ҳурматга лойиқ вакиллари**  
**саналган. Одамлар қўлида ҳунари бор**  
**кишиларни ҳаммиша ардоқлаган, уларни**  
**ҳурмат қилиб, исмларига «уста» сўзи-**  
**ни қўшиб айтишни одат қилганлар.**

Барча миллий қадриятларимиз қатори истиқлол йилларида ҳунармандчилигимизга бўлган эътибор ва муносабат ҳам ижобий томонга ўзгарди. Ота-боболардан мерос ҳунарларни йиллар давомида йўқотмай, юрагию қўлида асраб келган усталар бугун ўз санъатларини нафақат юртимиз, балки бутун жаҳон бўйлаб намоён қилишлари мумкин бўлди. Юртбошимиз ташаббус билан ташкил этилган турли кўрик-танловлар қўлигул ҳунармандларимиз учун чинакам имконият майдонига айланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар ўртасида ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танлови ҳар йили кўплаб истеъдодли ҳунармандларни элга танитмоқда. Уларнинг санъатларини тарғиб этмоқда. Яқинда бўлиб ўтган «Ташаббус — 2014» кўрик-танлови орқали ҳам халқ фаровонлиги, юрт равнақига ҳисса қўшиб келаётган ватандошларимиз турли но-

минациялар бўйича тақдирланди. Улар орасида андижонлик юртдошимиз уста Абдумалик Мадраимов ҳам бор. Тантанали тақдирлаш маросимида «Энг яхши ҳунарманд» номинацияси ғолиби деб унинг номи тилга олинганда, Абдумалик аканинг кўзларида ёш қалқиди. Албатта, бу секин ёшлари эди.

Абдумалик Мадраимов Андижон шаҳрида туғилган. Ўзбекистон давлат консерваториясида ўқигач, кўп йиллар ўзи туғилиб-ўсган вилоятдаги бир қанча мусиқа мактабларида дарс берди. Ўзбек халқининг маданияти, санъатига бўлган муҳаббати туфайли 1969 йилдан бери ҳунармандчилигимиз, миллий мусиқа созларини таъмирлаш ва яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борди. Бунинг натижасида IX — XVI асрларда ажодларимиз ясаган ва кейинчалик нутилиб кетган тарихий мумтоз мусиқа асбобларини қайтадан тиклаб келмоқда. Уларнинг янги нусхаларини яратмоқда.

Қарийб ярим асрлик фао-

лияти давомида Абу Наср Форобий, Мусо ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби сиймоларнинг илмий-фалсафий ва бадий-тарихий асарларини кунт билан ўрганиш, айнақса, Камолитдин Бехзод миниатюраларида тасвирланган соз ва созандалар ҳунарманд қизиқишини янада жўш урдирди. Натижада, у ўтмишда ажодларимиз фойдаланган ўзбек миллий мумтоз созларини тадқиқ қилиш, яратиш, халққа тортиқ этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Устанинг узоқ йиллик машаққатли меҳнати эвазига «Ғижжаки Бобурий», «Дилрабо», «Дилнаво», «Хушнаво», «Мерос» деб номланган ажойиб созлар яратилди. Янги созларнинг товуш тебранишларини малакали мутахассислар юқори баҳолашди. 1995 йилда Тошкент шаҳрида ЮНЕСКО томонидан ўтказилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллигига бағишланган Ўзбекистон ҳунармандларининг 1-кўрик танловида уста Абдумалик ўз созларини намойиш қилди. Тарихий чолғуларни қайта тиклашнинг ва ихтиролари учун ЮНЕСКО ҳамда Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

— Президент соврини фақат менинг камтарона меҳнатим, фаолиятим учун эмас, балки юртимизда илм-фан, санъат ва маданият соҳаларида меҳнат қилаётган барча инсонлар, ҳунармандлар учун



аталган совриндир. Юксак эътибор ва ғамхўрлик намунаси бўлган ушбу совриннинг менга насиб этганидан бошим кўкка етди, — дейди «Ташаббус — 2014» кўрик-танловининг «Энг яхши ҳунарманд» номинацияси ғолиби Абдумалик Мадраимов. — Бундан кейин ҳам бор билим ва маҳоратимни ўзбек миллий чолғу асбобларини дунёга танитиш, мумтоз созларимизни келажак авлодга етказиш йўлида сафарбар этаман.

Абдумалик Мадраимов ясаган мумтоз созлар Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейининг доимий кўргазмасида ўрин олди. Хорижда ҳам у кишининг ишларига ихлосмандлар кўпайиб бормоқда. Уста-ҳунарманд 1997, 2003 ва 2005 йилларда ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида созлар коллекцияси билан қатнашди. Турли мам-

лакатлардан келган санъат усталари унинг созларига қизиқиш билдиришди.

Бугунги кунда Абдумалик ака ҳунарини ёшларга ўргатиш борасида ҳам кўп ишлар қилмоқда. Ҳозиргача 120 нафардан зиёд шогирдларни тарбиялади. Уларнинг ҳар бири бугун уста мақомига эришган.

Яқинда пойтахтимиздаги Халқаро маданият карвонсаройида ташкил этилган «Ўзбек миллий созлари» кўргазмасида Абдумалик Мадраимовнинг қатор ишлари намойиш этилди.

Экспонатлар қаторидан жой олган чолғу асбобларида ижро этилган миллий куйлар томошабинларга жуда манзур бўлди. Бу оҳангларда уста ҳунарманднинг меҳнати тараннум этилаётгандай эди.

**Кумушбиби ЭРМАМАНОВА,**  
**ЎЗДЖТУ талабаси**

Yoshlar festivallari davom etadi

# ФИДОЙИ, ФАОЛ ЁШЛАР ХУР ВАТАНГА ЯРАШАР!

Тошкент вилоятида «Биз буюк юрт фарзандларимиз!»  
шиори остидаги ёшлар фестивали бўлиб ўтди



*Ўн бешта туман, кўплаб шаҳар ва шаҳарчалар, қишлоқ ва маҳаллалар, тоғли ҳудудлар... Тошкент вилоятининг бүтун географиясини қамраб олган мазкур фестиваль ҳаммамизга яна бир қарра бўлган Ўзбекистон ёшлари буюк юртнинг бахтли ва баркамол авлоди эканини намойён этди.*



Жорий йилда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг энг йирик лойиҳасини Тошкент вилоятида интизорлик билан кутишганди. Ёшлар фестиваллари эстафетасини пойтахтдан кейин иккинчи бўлиб қабул қилган тошкентлик «Камолот»чилар ташкилотчилик бобида панд беришмади. Пойтахтдан келган меҳмонларни — таниқли актёр ва хонандалар, маданият ходимлари, олим ва спортчилар, ёзувчи ва шоирлардан иборат фестивалнинг тарғибот гуруҳи аъзоларини ёшларга хос шижоат, кўтаринки руҳ ва ўзбекона лутф билан кутиб олишди. Уч кун давомида санъаткорлар Бекободдан Қуйи Чирчиқча — вилоятнинг барча туманларида бўлиб, ёшлар билан учрашдилар, бир қатор қизиқарли акциялар, хайрия тадбирлари ва ҳатто, «Футбол шоуси»да қатнашдилар.

## БИРИНЧИ МАНЗИЛ — БЕКОБОД

Ёшлар фестивали айнан шу шаҳардан бошлангани бежиз эмас. Бекобод Тошкент вилоятининг чекка ҳудуди ҳисобланади. Бу ерда ёшлар учун бунёд этилган маданият, таълим ёки спорт объектларини кўриб, кўзингиз қувнайди. Мана, масалан, шаҳарнинг қоқ ўртасида «Ёшлар маркази» савлат тўкиби турибди. Ҳавас қилса арзиғулик жой. Шундай гўзал ва замонавий бино Ҳаракат фаолларининг ихтиёрига берилганини айтмайсизми? Пойтахтдан етиб келган санъаткорлар ҳам тўғри шу масканга йўл олишди.

Зал тўла одам. Касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг бари шу ерда. Қолаверса, «Камолот» ЁИХ вилоят ва шаҳар кенгашлари ходимларидан тортиб шаҳар ҳокимлиги, маданият ва спорт бошқармаси, Маънавият тарғибот марказининг мутахассисларигача — улар ҳам фестивалда жамулжам. Ҳойнаҳой, фестивал дастуридаги дастлабки тадбир «Сиз севган қаҳрамонлар» лойиҳаси бўлса керак. Худди шундай! Саҳнага Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Матқаримов, Мадина Мухторова ва «Нихол» мукофо-

ти совриндори Гўзал Жуманиёзова кириб келишди. Уч юз нафар йигит-қиз бир неча соат давомида севимли санъаткорлари билан жонли, эркин мулоқотда бўлдилар. Лойиҳа қаҳрамонлари санъат соҳаси вакиллари бўлишига қарамай, даврада айтилган асосий гаплар юртимизда ёшларга кўрсатилмаётган эътибор ва яратилган шароитлар, улардан оқилона фойдаланаётган ёшларнинг турли соҳалардаги улкан зафарлари, маънавиятимизни юксалтириш, миллий қадриятлар ва мустақилликни ардоқлаш хусусида бўлди. Тадбир маданий дастур билан якун топди.

Фестиваль давомида «Сиз севган қаҳрамонлар» лойиҳаси Ангрэн, Олмалик, Чирчиқ шаҳарлари, Бўстонлик, Бўка, Зангиота, Қибрай, Ўрта Чирчиқ, Паркент, Пискент, Юқори Чирчиқ, Янгийўл, Оҳангорин, Окқўрғон ва Чиноз туманларида ҳам амалга оширилди. Бу ҳудудларда истиқомат қилаётган ёшлар, шунингдек, театр ва кино актёрлари, таниқли адиблар билан учрашиш имконига эга бўлдилар. Шу мақсадда жойларда «Замонамиз қаҳрамонлари» мавзуида ижодий тадбирлар ташкил этилди.

## УЛАР БОШҚАЧА ЭМАС

Баъзан қўл-оёғи йўқ болалар ажойиб тасвирий санъат асарларини яратганини ёки Паролимпия ўйинларида голиб бўлганини кўриб, лол қоласан, киши. Жисмоний имконияти чекланган тенгдошларимиз биз ўйлагандан кўра кўп нарсаларга қодир. Улар бошқача эмас, керак бўлса, истеъдод, маҳорат, куч ва заковатда кўпчилигимизни ортада қолдира олади. Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юртимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Ўз навбатида, ногирон болалар ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ.

Ёшлар фестивали доирасида ўтказилган «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остидаги хайрия концерти ўнлаб ана шундай болажонларга байрам қувончини

улашди. Тарғибот гуруҳи аъзолари биринчи бўлиб Бекобод шаҳридаги 15-имконияти чекланган болалар учун махсус ёрдамчи мактабда таҳсил олаётган ўқувчилар ҳолидан хабар олишди. Шу орқали санъаткорлар бу болалар ёлғиз эмаслиги ҳамда жамиятимизга керакли эканини, улар давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилинишини ва бошқа тенгқурлари қаторида баб-баравар кўрилишини баён этдилар. Меҳмонлар мактабнинг ўқув хоналари билан танишиб, ўқувчиларга эсдалик совғаларини тақдим этишди. Ёш хонандалар ижросидаги дилтортар қўшиқлар эса болажонлар хотирасида фестивалдан қолган энг унутилмас таассурот бўлди, дейиш мумкин.

## ВИЖДОНЛИ СОТУВЧИЛАР КЎП!

Мамлакатимизда «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тақатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинганига икки йилдан ошди. Мазкур қонун талабларига қўра, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини йигирма ёшга тўлмаган шахсларга сотиш таъқиқланади. Аммо виждонсиз сотувчилар ҳам бор. Мана неча йилдирки, ёшлар фестиваллари давомида «Камолот»чилар уларни фош этишяпти. Қонунга итоаткор сотувчилар эса Ҳаракатнинг махсус совғаси билан тақдирланмоқда. Ҳаммаси «Виждонли сотувчи» акцияси доирасида. Қизиги, ушбу акцияда нафақат «Камолот» ЁИХ фаоллари, балки эл таниган актёр ва хонандалар ҳам иштирок этишади. Ҳа, сиграета ёки бир шиша пивони мактаб боласига билиб-билмай сотган дўкондорга «Камолот»чи танбеҳ бергани бошқая, айтилик, Ўзбекистон халқ артисти Мурод Ражабов гапиргани бошқача-да! Хуллас, фестивалга келган санъаткорлар бир кун туман марказларидаги савдо расталарини кезиб, виждонли ва виждонсиз сотувчиларни аниқлашди. Қутилмаган учрашувдан бирови хайратга тушган, бошқаси ноқонуний хатти-ҳаракати туфайли уятга қолган сотувчилар бундан

буён фақат виждон амри билан иш кўришга аҳд қилган бўлсалар, ажаб эмас.

## ТАРҒИБОТ ВА ЯНА ТАРҒИБОТ

Ёшлар фестивалларида тарғибот лойиҳаларига кенг ўрин берилади. Эътиборлиси, уларнинг шакли бири-бирига ўхшамайди. Масалан, «Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти», «Биз соғлом ахборот муҳити тарафдоримиз», «Одам савдосидан асраш — куннинг долзарб муаммоси» каби лойиҳаларда ҳаётимизда учраётган турли муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари юзасидан давра суҳбати форматида фикр алмашилса, ёшларга айниқса манзур бўлаётган «Депутат ва ёшлар» лойиҳаси давлат ҳокимияти органлари вакиллари билан учрашув тарзида ташкил этилиб, ёшлар ўз савол ва муурожаатларини вилоят ёки туман ҳокимига бевосита бериш имконига эга бўлишади. Тарғибот лойиҳалари сирасида «Президент асарлари билимдони» танлови ҳам бор. Зеро, Юртбошимизнинг ҳар бир асари орқали мамлакатимиздаги сиёсий тизим, турли соҳаларда олиб борилувчи ислохотларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида мукамал билимга эга бўлиш мумкин. Зеро, ёшларни шундай асарларни пухта ўрганишга ундаш, шу жумладан, бунинг учун махсус танловларни жорий этиш ҳам, қайсидир маънода, уларни ижтимоий, сиёсий фаолликка тарғиб этиш демакдир.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилмоқчи бўлсангиз, уларни бирорта спорт мусобақасида иштирок этишга таклиф қилишдан афзалроғи бўлмаса керак. Шу боис фестивал дастурида бундай тадбирларга кенг ўрин берилган.

Тошкент вилоятида ўтказилган ёшлар фестивали доирасидаги тарғибот лойиҳаларига ҳаммаси бўлиб йигирма икки мингга яқин ёш, шунингдек, ўн кишилик шоир ва ёзувчилар жамоаси, йигирма кишилик актёрлар жамоаси ва яна шунча хонанда жалб этилди. Хусусан, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд

Тоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Фатхулла Маъсудов, Мирза Азизов, Анвар Ганиев, Равшан Комилов, Илҳом Фармонов, санъаткорлар Гуласал Абдуллаева, Жумадулла Раметов, ва санъатимизнинг бошқа кўзга кўринган вакиллари тарғибот тадбирларида иштирок этдилар.

Бундай тадбирлар 19 та мактаб, 22 та коллеж ва бешта академик лицей, ўн та маҳаллада ўтказилди. Яна кўплаб туманлардаги спорт майдончаларида лойиҳалар амалга оширилди.

## ФУТБОЛ ВА ТОМОША

Футболни аксарият одамлар мароқ билан томоша қилади. Аммо ҳозир номдор чемпионатларни қўятурайлик. Оддий бир маҳаллада ҳаваскорлардан ташкил топган икки жамоанинг ўйинига миллионлар бўлмаса ҳам, ҳарқалай, икки-уч юз кишини қандай қилиб қизиқтириш мумкин? Э, «Футбол шоу»га келмасиз, буни билмасиз! Яшил майдонга фалон эстрада хонандаси ёки фалон актёр чиқибди, деса борми, бирортая бола бундай томошадан қолмаса керак. Фестиваль кунларида Олмалик, Зангиота, Паркент ва чинозлик ёшлар ўзларининг шаҳар ва туманларида ташкил этилган футбол шоуларидан баҳраманд бўлишди. Уларнинг 1900 нафардан зиёди маҳаллардаги уюшмаган ёшлардир. Маҳаллалардаги сунъий футбол майдонларида «Камолот»чилар ҳамда эстрада хонандалари бир-бирига қарши тўп суришди. Деярли барча матчларда дўстлик ғалаба қозонди. Мухлислар эса ўйин билан бирга, концерт дастурларини ҳам мириқиб томоша қилдилар.

\* \* \*

«Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивали гала-концерт билан якунланди. Юқори Чирчиқ туманидаги «Дўстлик» ўйингоҳида ўтказилган концертда Тошкент вилоятидаги таълим муассасаларининг ўн мингга яқин талаба ва ўқувчилари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари қатнашди.

Наргиза УМАРОВА,  
«Turkiston» мухбири

(Давоми, аввали  
1-саҳифада)

— Болажон халқимиз фарзандлар камолида миллат саодатини кўрган, — дея сўз бошлади Мадина Шарипова. — Узоқни ўйлаган боболаримиз келин танлаганда қизнинг оиласи, у вояга етган мухит, ва албатта, саломатлигига алоҳида аҳамият қаратган. Тиббиёт соҳасидаги излашлар натижасида, бола-нинг бирор нуқсон билан туғилишида ота-онанинг саломатлиги, уларнинг наслидаги ирсий омилларнинг ўрни катта эканлиги аниқланган. Демак, соғлом зурриёт дунёга келиши учун ота-оналаргина эмас, улардан олдин ўтган бобо-момоларнинг, аждодларнинг ҳам масъулияти катта экан. Фарзандларимизнинг ҳар томонлама етук, баркамол инсонлар бўлиб камол топишини истар эканмиз, бу масалага ниҳоятда эътиборли бўлишимиз шарт. Жорий йилнинг «Соғлом бола йили» деб аталиши ана шу йўлда амалга оширилаётган улкан ишларнинг, кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликнинг ифодасидир.

Бугун ҳар бир оила давлат ҳимоясига олингани алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли. Қисқа фурсатда юртимизда скрининг марказларининг ташкил этилгани болалар ўлими ва улар ўртасида ногиронликнинг олдини олишга катта ёрдам берапти.

Ирсий ва туғма касалликларни аниқлашда тиббиёт ютуқларидан кенг фойдаланган ҳолда замонавий лаборатория ва функционал текширув усуллари амалга татиқ қилиш, тиббий генетик соҳа мутахассислари малакасини ошириш, шу йўналишда муассасалар, жойларда тиббиёт ходимларининг малакасини, аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш муҳим ўрин тутди. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида популяцион генетик скрининг хизматининг ташкил этилгани аҳоли ўртасида ирсий ва туғма хасталикларнинг

камаишига олиб келди.

Мазкур йўналишда юртимизда ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Тошкент шаҳрида ва вилоятларда ўн иккита ҳудудий скрининг марказлари ташкил этилиб, уларда мутахассислар замонавий технологиялар ёрдамида касалликни эрта ва тез аниқлаш имконига эга бўлдилар.

Характеридаги тортинчоқликданми, баъзи ўзбек аёллари тиббий текширувлардан ҳадеб ўтаверишни хошлашмайди. Ваҳоланки, келажагини, туғилажак фарзандини ўйлаган ҳар бир аёл бунга катта эътибор қаратиши лозимлигини бугунги ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Мадина Шариповага шу мулоҳазамизни билдириб, у кишига, аёллар ўзи қачон перинатал скрининг текширувидан ўтишлари шарт, шулар ҳақида батафсил гапирсангиз, бу ёш оналарга муҳим маълумот, кўрсатма бўларди, дедик.

Олдинги фарзанди ирсий касаллик ёки туғма ривожланмиш нуқсон билан туғилган, қариндошлик никоҳида бўлган эр-хотинлар, шунингдек, аёлнинг ёши ўн саккиздан кичик ёки ўттиз бешдан катта бўлса, эндокрин хасталиклар — қалқонсимон без ёки қандли диабет, касбга боғлиқ зарарли омиллар таъсири аниқланган бўлса (масалан, нурланиш) ҳомилага таъсир қилувчи дори-дармон ёки кимёвий воситалардан фойдаланганда, юқумли касалликлар — қизилча, токсоплазмоз, хламидиоз, цитомегаловирус аниқланса, аёлларга скрининг текширувларидан ўтиш тавсия этилади. Масалан, эндемик буқоқ ёки гипотериоз билан оғриган аёлларда боланинг гипотериоз билан туғилиш хавфи баланд бўлади.

— **Яқин қариндошларнинг никоҳи ҳақида гапир-**

**дингиз. Ирсий касалликларнинг келиб чиқишида бундай никоҳ асосий сабаб сифатида кўрсатилади. Болаларнинг ногирон бўлиб туғилишига яна қандай омиллар сабаб бўлади?**

— Албатта, бундай никоҳнинг хатарли томонлари кўп. Бу ҳақда барча тиббиёт мутахассислари ходимлари тушунтириш-тарғибот ишларини амалга оширишмайди. Эр-хотин яқин қариндош бўлган оилаларда наслдан-наслга ўтувчи касалликлар билан бола туғилиши ҳоллари кўп учрайди. Чунки бола ўз генларининг ярмини онадан, ярмини отадан олади. «Касаллик» генларини ташувчи бўлган ота ва оналарда бундай генларнинг учраш эҳтимоли юқори бўлади. «Касаллик» генлари учрашганда эса, табиийки, худди ўша генлар болада намоён бўлади.

— **Эрта турмуш қуришнинг салбий жиҳатлари ҳақида кўпчиликда тасаввур бор. Лекин қизиқ-да, бу ҳақда қанча кўп гапирилса ҳам, унга амал қилинмаётган ҳолларга дуч келамиз. Ҳали балоғатга етмай туриб турмушга чиқаётган қизлар учун она бўлиш қанчалик мурракб оқибатларга олиб келиши ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

— Она бўлиш учун инсон ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёр бўлиши керак. Фарзандни соғлом дунёга келтириш учун, энг аввало, она саломатлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки қизлар ўн олти-ўн

етти ёшга тўлгани билан уларнинг организми фарзанд кўришга физиологик ва психологик жиҳатдан тайёр бўлмайди. Тажрибаларимиз шуни кўрсатадики, ўн тўққиз-йигирма ёшга етгач, қиз болалар организми физиологик

шилади. Гипотериоз (буқоқ) хасталиги аниқланган чақалоқлар эндиқринолог, фенилкетонурия аниқланган болалар эса, шифокор-генетик томонидан диспансер назоратига олинади. Беморлар дори-дармонлар, махсус шифобахш таомлар билан таъминланадилар.

Фарзанди соғлом туғилишини истаган ҳар бир ота-она жуда хушёр бўлиши керак. Аёлда сурункали, юқумли, соматик ва эндокрин касалликлар пайдо бўлса, зудлик билан врачга мурожаат этиши, даволашни шарт. Даволангач, фарзанд кўрадиган бўлса, бола ҳаёти хавфдан холи бўлади. Шунингдек, туғруқлар ораси уч йилдан кам бўлмаслиги лозим. Ана шу муддат давомида аёл ўз репродуктив саломатлигини қайта тиклаб олади. Бундан ташқари, скрининг марказларида тиббий-генетик маслаҳат хизмати ташкил этилган, унинг асосий вазифаси оилаларда ирсий касаллик билан бола туғилишининг олдини олишга қаратилган.

Соғлом бола йилида Тошкент вилоятида ҳам скрининг маркази ташкил этилади. Марказ малакали тиббиёт мутахассислари билан таъминланади. Уни юқори технологиялар, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ниятидамиз. Бу билан узоқ-яқинда истиқомат қилувчи аҳолига, энг аввало, бўлажак оналарга қулай бўлиши мақсад қилинган.

**Turkiston» мухбири  
Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА  
суҳбатлашди**

Яқинда оммавий ахборот воситаларида хушxabар тарқалди. Ўзбекистон Республикасининг «Соғлом бола йили» Давлат дастури Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий ҳужжати сифатида унинг олти расмий тилига таржима қилиниб, турли мамлакатларга тарқатилибди! Бу ҳам бўлса, юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилишга қанчалик эътибор қаратилаётганининг халқаро миқёсдаги эътирофи бўлди, дейиш мумкин.

жиҳатдан тўлиқ шаклланади. Она бўлиш учун энг қулай вақт йигирма-ўттиз ёшлар оралиғи ҳисобланади.

— **Янги туғилган чақалоқлар ҳам скрининг текширувидан ўтказиладими?**

— Янги туғилган гўдаклар иккита касаллик, яъни гипотериоз ва фенилкетонурия каби касалликларига оммавий неонатал скрининг текширувларидан ўтказилади.

Бир нарсага эътибор бериш керакки, гўдакларда хасталик аломатлари сезилмаслиги мумкин. Улар туғилган пайти соғлом болалардан фарқ қилмайди. Касаллик бўлса, уч-олти ойлик бўлганда билинади. Шу боис ҳам улар туғилганда оммавий текширувдан ўтказилади, албатта. Хасталик аломатлари сезилса, уни даволашга кири-

## ОТА-ОНАЛАР ҚУВОНЧИ — ЭЛ-ЮРТ ҚУВОНЧИ

Бугун мамлакатимизда икки миллион нафар ўғил-қиз ўттиздан зиёд спорт тури билан мунтазам шуғулланиб, ўз саломатлигини мустаҳкамламоқда. Қолаверса, спорт воситасида ўзи яшаб турган қишлоқ, шаҳар, вилоят, юрт шаъни-ни муносиб ҳимоя қилаётир. Айниқса, халқаро мусобақа ва қитъа, жаҳон чемпионатларидаги зафарлари билан мамлакат номини дунёга янада машҳур қилмоқда.

Бу, авваламбор, ота-оналарни қувонтиради. Ота-оналар қувончи — бутун эл қувончи. Ўз фарзанди бахту камолини кўришдан ҳам ортиқ саодат бўладими?

Юрта машҳурлик, элга фахр, ота-оналарга шарафни соғлом, баркамол ўғлонлар, жисмонан ва маънан етук қизлар келтиради. Уларнинг соғомон вояга етишлари учун давлатимиз барча

имкониятларни яратиб қўйган. Жумладан, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар замирида ҳам ана шу эътибор ва ғамхўрлик мужассам.

Давлат дастурининг моҳиятини аҳолига яна ҳам тўлақонлироқ етказиш мақсадида жойларда олиб борилаётган кенг қамровли тушунтириш, ташвиқот ишларининг аҳамияти катта. Шуни назарда тутган ҳолда, Бекобод шаҳридаги маҳаллаларда, таълим муассасаларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши фаоллари, шифокорлар, ҳуқуқшунослар иштирокида тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Айниқса, «Соғлом она — соғлом бола», «Бола саломатлиги — оила қувончи», «Соғлигинг — бойлигинг», «Соғлигингиз ўз қўлингизда» мавзулардаги қатор суҳбатлар ёшларга ҳам, катталарга ҳам манзур бўлди.

**Гулзира ШАРИПОВА,  
Бекобод шаҳар давлат нотариал  
идораси катта нотариуси**

*Шаҳрихон марказий стадионида*

*футболга ихтисослашган давлат мактаб интернатлари ўқувчилари ўртасида футбол бўйича саралаш мусобақаси бўлиб ўтди. Унда Сурхондарё, Наманган, Самарқанд, Бухоро ва Андижон вилоятлари жамоалари иштирок этди.*

## ШАҲРИХОНДА ФУТБОЛ БЕЛЛАШУВЛАРИ

1999-2000 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Бухоро вилояти жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Самарқандликларга иккинчи, Наманган вилояти ёш футболчиларига учинчи ўрин насиб этди.

2001-2002 йилларда туғилган ўқувчилар ўртасида эса андижонликларга тенг келадигани топилмади. Наманган ва Сурхондарё вилоятлари жамоалари 2-, 3-ўринларни қўлга киритди. Мусобақаларда 1-, 2-ўринни эгаллаган жамоалар мусобақанинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

**Миролим МАМАТҲОШИМОВ**

# АТТОР ҲИКМАТЛАРИ

*Шайх Фаридуддин Аттор башарият адабий-илмий, маънавий-маърифий тафаккури ривожига улкан ҳисса қўшган алломалардан. Аттор таваллуди бўйича бир тўхтамга келинмагани важдан олимларимиз тадқиқотларида турфа маълумотларга дуч келамиз. У киши тахминан 1145 йилларда Нишонур яқинидаги Кадкана қишлоғида туғилган. Асли оти Муҳаммад бўлиб, отаси Абубакр бинни Иброҳимдан қолган дўконда атторлик, гоҳо табиблик ҳам қилган. Аттор 1220 йил мўғуллар истилоси чоғида ваҳшийларча ўлдирилган. Шунда у 75 ёш атрофида умр кўрган бўлади.*

Алишер Навоийнинг устоди Атторга эҳтироми ниҳоятда баланд бўлган. Бу бежиз эмас, албатта. Одатда Навоийни Атторнинг «Мантикут-тайр» достони болалигидаёқ ром қилгани, шоир бутун умри давомида ушбу асар таъсирида бўлиб турганлиги тилга олинади. Бу фикрда жон бор. Бироқ Навоий улуғ шайхнинг бошқа асарларидан ҳам яхши хабардор бўлган, улардан ҳам катта завқ ва илҳом олган. Атторнинг машҳур

«Илоҳийнома»сини Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол ўзбек тилига таржима қилган. 2007 йилда мазкур таржима нашрдан чиқди. Таъкидлаш жоизки, Жамол Камол йирик ирфоний асар таржимасига киришаркан, имкон қадар асли турғани руҳини таъминлашга ҳаракат қилган ва бунга эришган ҳам. Шунча вақт ўтиб, улуғ ижодкорнинг бизга «ўзбекча сўзлагани» ноёб адабий ва маданий ҳодисадир. Китоб таниқли олим

Иброҳим Ҳаққулнинг «Кўнгил кимёси» номли салмоқдор мақоласи билан очилади. Унда домла буюк аллома шахсияти, шайхлик мартабаси, асарларининг, айниқса, ушбу асарнинг ирфоний назоратидан сўз очар экан, маънавийга ташна замондошларимизни «Илоҳийнома» мутолаасига ҳозирлайди.

Атторнинг «Илоҳийнома»си инсоният ички маънавий-руҳий оламидан баҳс этувчи икки юз эликдан ортиқ нақл, ҳикоят, ривоят ва назмий қиссалардан иборат. Уни ўқиб XI аср одамнинг бадиий-ирфоний олами беҳад кенг, нақадар юксак бўлганига тасаннолар айтгингиз келади. Таржиманинг тил ва бадиий нафосати ҳақидаги мулоҳазаларни таржимашунос дўстларимизга қолдирамиз. Бу асар ҳазрат Навоий айтмоқчи, «илоҳий сирларнинг туганмас хазинаси»дан таркиб топган дурдона асардир.

Атторни англаш машаққатли жараён. Унинг мутолаасига киришиш ё шунга интилиш киши қалбида тозарилганга, покликка майл кўйишнинг

ибтидосидир. Аллома асарларида, айниқса, «Илоҳийнома» бағрида ирфоний ва илоҳий ҳақиқатлар машъаласи тинимсиз порлаб туради. Бироқ бу нур тафти савияси ночор, дунёқарашини тор, фикру ўйи бойлик тўплаш, шахсий манфаатга қаратилган худбин ва ғофил бандаларнинг тошга айланган юрагини илитмайди. Уни ўқиш, ўрганиш, ўзгаларга тарғиб қилиш учун киши қалбида Аттор шахсиятига чинакам ихлос ва соф муҳаббат нигоҳи ила боқиб интилиш керак. Шунда Аттор назарда тутган сирлар хазинаси нозиктаъб ўқувчиларга оз бўлса-да, юз кўрсатади.

Аттор асарларини ўқиш, ўқиш, ҳаётда унга сидқидилдан амал қилиш маънавий-руҳий камолотнинг муҳим, таянч белгиларидан бири бўлиб, бунга эришмоқ биз ва биздан кейинги авлод учун чинакам омад, олий саодатдир.

**Абдурахмон ПИРИМҚУЛОВ,**  
филология фанлари номзоди

## Ziyo

### ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

Китоб инсон ҳаётига, унинг тафаккурига зий ёбағишлайдиган бебаҳо хазинадир. Болалар китобхонлигини ташкил қилишда мактаб ҳамда ота-оналар зиммасига ниҳоятда мураккаб ва масъулиятли вазифа юкланади.

Мактабимизда кутубхона фондиди тўлдириш мақсадида мактаб жамоаси, битирувчилар, ота-оналар, ҳомий ташкилотларни жалб қилган ҳолда мунтазам равишда «Мактаб — кутубхона — оила — жамоат ташкилотлари» хайрия тadbирлари ўтказиб келинади.

Яқинда Соғлом бола йили муносабати билан ташкил этилган «Китоб ўқишга иштиёқ уйғотиш — эзгу иш» мавзuidaги кўргазма ҳам ўқувчилар учун ҳақиқий китобхонлик байрамга айланди. Тадбирда ота-оналар, маҳалла фаоллари, ҳомий ташкилотлар иштирок этиб, мактаб кутубхонасига турли жанрдаги китоблар совға қилишди.

Кўргазма якунида «Энг яхши китобхон ўқувчи», «Энг яхши китобхон оила» тadbирларида фаол иштирок этиб қолиб бўлганларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар топширилди.

**Шаҳодат АЛИЕВА,**  
Кармана туманидаги 28-мактаб АРМ ходими

## Nafis tuyg'ular

### ЁМФИР

Осмон чертиб доирасини,  
Кўнғироқлар оқизиб ёғар.  
Ювиб кўнғил ойнасини,  
Куйламоққа, шўхликка чорлар.

Чувалчанглар арғамчи тортиб,  
Майин лойда қолдиради из.  
Чиганоқлар косасин ортиб,  
Издан чиқиб кетмайди ҳаргиз.

Еру кўкда кўкдам нафаси,  
Шодлик, қувонч ёғмоқда, мана.  
Бир-бирига бахтлар улашиб,  
Элим, юртим қилар тантана.

**Гулжаҳон СУВОНОВА**

## Qiznoq taydoncha

Бола кулгуси оламини безайди. Унинг хурсандлиги, қувончидан кўнгил яйрайди.

### ОЛАМНИНГ БЕЗАГИ

Тошкент шаҳрининг Миробод туманидаги «Дўстлик» номли 345-мактабгача таълим муассасасида «Соғлом бола йили» Давлат дастури асосида «Соғлом-қувноқ болажон» деб номланган тadbир бўлиб ўтди.

Тadbирда боғчанинг гимнастика, рақс, ўзбек жанг санъати, инглиз тили тўғараги жажжи қатнашчилари, тайёрлов гуруҳи аъзолари мусиқа раҳбарлари Гавҳар Алиохунова, Дониёр Бердалиев бошчилигида қувноқ, шўх ўзбек миллий ва қардош халқлар кўшиқ ва рақсларини маромига етказиб ижро этишди.

— Эртаси бугунгидан чароғон болажонларимиз соғлом, баркамол бўлиб улғайишлари керак, — дейди мактабгача таълим муассасаси мудираси Нилуфар Муҳаммедова. — Тадбир болажонларга ёққанлигини илғаш қийин эмас. Уларнинг завқ-шавқини кўриб ота-оналар ҳам мамнун. Спорт, ҳаракат — соғлиқ гарови эканлигини болаларга ёшлигидан ўргатиб боряпмиз. Кичикинтойлар ижросида талқин этилган миллий шеър, қўшиқлар қизларни чаққон, ораста, хушмуомала бўлишга ундаса, ўғил болаларни мард, жасур, эпчил, кучли бўлишга ёрдам беради.

**Майсара НАЗАРОВА,**  
«Turkiston» мухбири

## Ko'zgu

Кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятини жонлантириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳам мамлакатимизда маҳаллага катта эътибор қаратилади.

### АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТ

Чиндан ҳам маҳалла — беқиёс миллий қадрият. У азалдан халқимизнинг ўзига хос «бошқарув органи», нуруний отахону онахонлар назаридаги улуғ тарбия маскани ҳисобланган. Мустақиллик йилларида унинг ўша аввалги қадри ва мақоми қайта тикланиши маънавий ҳаётимизда улкан ҳодиса бўлди.

Маҳалланинг ташкилий, ижтимоий ва ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш борасида чуқур ислохотлар амалга оширилди. Энг аввало, «маҳалла» атамаси тарихда биринчи марта Конституцияга киритилди. Уни миллий бошқарув тизимининг муҳим бўғини сифатидаги ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида қатор қонун, фармон, қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилгани фикримизнинг исботидир.

**Гулшоода ЖУМАЕВА**



## Кема ҳалокати

Жанубий Корея соҳилларида йирик йўловчи ташувчи кема ҳалокатга учради.

Маълум бўлишича, паром Инчхон шаҳридан Чезу оролига сайёҳларни олиб кетаётган эди. Шунингдек, кема бортида юзга яқин мактаб ўқувчилари ҳам бўлган. Ҳозирги маълумотларга кўра, қутқарувчилар 180 кишини қутқариб қолган бўлса, 290 киши бедарак йўқолган. Уч нафар киши ҳалок бўлгани расман тасдиқланди.

Бортида 477 киши билан йўлга чиққан кема қуюқ туман сабабли сувости қояларига урилиб, қирғоқдан юз километр узоқликда чўккан.

## Финжондаги интернет

Финляндияда интернетга уланиш имконини берувчи финжон ихтиро қилинди. «Pauin» компанияси олимларнинг ушбу ихтироси кичик дисплей ва «Bluetooth» билан жиҳозланган.

Қаҳва қуйилганда финжон қизийди. Бундан қувват олган дисплей ёниши билан бирга, «Bluetooth» орқали маълумотлар смартфонга юборилади. Финжоннинг кичик бўлса-да доимий хотираси бўлиб, унга турли расмларни ёзиб қўйса бўлади. Дисплейда қаҳва ҳароратиниям кузатиш имкони мавжуд.

Финлар қаҳвани севиб истеъмол қиладди. Буни дунё бўйича киши бошига 5 килограммдан қаҳва тўғри келса, финларда бу кўрсаткич 12 килограммни ташкил этишидан ҳам билиш мумкин.

## Хавфсизлик учун янги битим

Уяли телефон ишлаб чиқариш бўйича етакчи «Apple», «Google», «HTC», «Huawei», «Motorola», «Microsoft», «Nokia» ва «Samsung» компаниялари ўғриларга қарши кураш дастурига амал қилиш бўйича битим имзолашди.

Бу дастур ўғирлаб кетилган телефоннинг масофадан туриб маълумотларини ўчириш ва блоклаб қўйиш имконини беради. Телефон эгасига қайтарилганидан сўнггина, уни очиш мумкин. Маълум бўлишича, янги қурилма билан жиҳозланган телефонлар келаси йилнинг бошидан сотувга чиқади. Шу вақтга қадар бунга ўхшаш технологиядан фақат «Apple» компанияси фойдаланган эди. «iPhone»ларнинг «iOS 7» операцион тизимида «Activation Lock» функцияси қурилманинг соғломлаш дастлабки ҳолатга қайтарилган ҳолда ҳам фойдаланувчининг шахсий паролини сақлаб қолар эди.

## Кўнгилсизлик

Африкадаги Того Республикасида автобус ва юк автомобилнинг тўқнашув натижасида 47 киши ҳалок бўлди.

Маълум бўлишича, яна ўн беш киши жиддий тан жароҳати олган. Ҳалок бўлганлардан ўн беш нафари буркина-фасоллик, бир нафари нигериялик ва қолган йўловчилар Того фуқароси бўлган. Фалокат Того пойтахти Ломедан 185 километр узоқда юз берган.

Фалокат юқори тезлик оқибатида содир бўлган. Жабрланганлар ўзига келгач, воқеага янада ойдинлик киритилиши маълум қилинди.

**Интернет манбалари асосида**  
**Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

# МАКТАБ МУЗЕЙИДА НОДИР ЭКСПОНАТЛАР

**Музработ туманидаги 2-мактабда тарих фани бошқа мактаблар билан солиштирилганда бутунлай ўзгача ўтилади, деб бўлмайди. Лекин Ватанмиз тарихига оид баъзи дарслар шу қадар қизиқарли кечадики, эшитган одамнинг қайтадан ўқувчи бўлиб қолгиси келади.**

Йўқ, муболаға қилмоқчи эмасмиз, бу ерда қандайдир синоат ҳам йўқ. Шунчаки баъзи мавзулар синфхоналарда эмас, мактабда ташкил этилган тарих ва ўлкашунослик музейида ўтилади. Кўз олдингизга келтиринг: мавзу Далварзинтепа, Сополлитепа, Мунчоктепа ёдгорликларидан бири ҳақида. Шундоққина қаршингизда уларга оид тарихий буюмлар турибди! Бу манзарани йиллар давомида ҳам уюштириб бўлмаслиги мумкин, музработлик ўқувчи юртдошларимизнинг бахти бу: улар ўтмиш билан замо-

навийлик туташган даргоҳда мозий илмини ўрганишаётир. Чиндан ҳам, ноёб ва қадимий осори-атиқалардан иборат музей бугунни олис ўтмиш билан боғловчи кўприк вазифасини ўтамоқда. Экспонатларнинг барчаси Сурхондарё вилоятидаги тарихий жойлардан, Термиздан, Далварзинтепа, Сополлитепа, Жаркўтон, Мунчоктепа, Кампиртепа ёдгорликлари атрофларидан келтирилган. — Музейимиз ташкил топганига ўн тўрт йил бўлди, — дейди мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директори ўринбосари Роҳатой Абду-



муродова. — Ундан энг қадимги миллий хунармандчиликка оид экспонатлар, тикувчилик, каштачилик намуналари ҳам ўрин олган. Музейдан кўза, хум, палахмон ва тегирмон тошлари, қадимги сув қувури, аёллар

тақинчоқлари каби икки юз яқин нодир экспонат ўрин олган. Улар орасида Будда ҳайкалчаси ҳам бор. Уни музейга мактабнинг география фани ўқитувчиси Моҳигул Хонимова олиб келган. Музейдаги ҳар бир экспо-

нат ўз даври тарихидан сўзлаётгандек. Бинобарин, унга кирган киши ўзини ўтмишга саёҳат қилгандек тасаввур қилади.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,**  
**«Turkiston» мухбири**

Hayot — maktab

## ИНСОН ҚАЛБИ — ҚУЁШДАН ЁРУҒ

**«Яхшиликнинг кичкинасини кичик демай қилавер. Биродарингга очик юз билан боқиб бўлса ҳам яхшилик қил», дейишган донолар.**

Эрта тонгдан сал кайфиятим бўлмай, шошилиб ўқишга отландим. Такси ойнасидан бир четга жим қараб борарканман, ҳайдовчи амаки ҳолатимни пайқайди, шекилли, қизим, тинчликми, эрталабдан машқинг пастроқдай кўринади, дея саволга тутиб қолди. Аввалига жавоб бергим келмади. Бироқ ҳайдовчининг гапларидан самимий инсон эканлигини сездим ва кўнглимдаги ғашлик бироз тарқалди. Йўл-йўлакай у инсоний фазилатлар, ҳалоллик, инсоф, диёнат, тўғрилиқ ҳақида сўзлаб борди.

— Ҳалол ишлаб беш фарзандни ўқитдим, яхши тарбия беришга ҳаракат қилдим, — деди у. — Тўғри инсон ҳеч қачон кам бўлмас экан-да, мана, минг шукр, онаси иккаламиз тарбиямизни олган болаларимиз турли касб эгалари бўлиб, эл-юртга хизмат қилиб келмоқда. Бу билан нима демоқчиман, қизим, талаба экансан, эртага яхши мутахассис бўлиб, сен ҳам халққа хизмат қилсан. Ҳамиша тўғри ва ҳалол бўлишга ҳаракат қил, бунда ҳикмат кўп...

Унинг бу гаплари эрталабдан ғаш бўлган кўнглимга ёруғлик олиб кирди. Йўқ, бу гаплар мен учун янгилик эмасди, уларни мен ота-онамдан, устозларимдан эшитганман. Китобларда ундан-да мазмунлироқ, қимматлироқ ўғитларни ўқиганман. Лекин унга бундан заррача манфаат етмаса ҳам, кекса ҳай-

довчининг чин юракдан, холис гапиргани менга таъсир қилди. Ўқишга яхши кайфиятда кириб бордим, бу ҳолат кун бўйи менга ҳамроҳ бўлди.

Доно халқимизда шундай мақол бор: «Бугдой нонинг бўлмаса ҳам, очик юзинг бўлсин». Дарҳақиқат, бу пурмаъно ҳикмат бежиз яралмаган. Яъни юзи очик, доимо атрофидагиларга самимий чеҳра билан боқувчи кишилар ниҳоятда дилимизга яқин. Улар халқ орасида ҳам қадрланади, хурматга сазовор бўлади. Очик чеҳрали инсонлардан меҳру муҳаббат нафаси уфуриб туради.

Самимий, очик, ширин табассум ила боқиб турган инсон билан суҳбатлашсак, қанчалар енгил тортамыз ва кун давомида хушнудлик бизни тарқ этмайди. Биргина очик чеҳра билан ҳам атрофидагиларга чинакам яхшилик қилиш, шодлик улашиш мумкин экан. Аслида шундай самимий, очик юзли инсонлар дунёни меҳр, муҳаббат, инсонийликка хос туйғуларга тўлдирадилар.

Қалб кўздан олдинроқ кўрар. Қалб қанчалар гўзал, пок бўлса, мана шу гўзаллик инсоннинг юзига кўчади. Демак, қалб қуёшдан-да ёруғ, асл ёруғлик эса қалбимизда. Қуёш ой чиққунига қадар оламни ёритади, аммо дилдаги нурафшонлик инсон вужудини умри давомида яшнатиб туради. Қалб қуёшимизни асрайлик, абадий меҳр нурун таратсин, унинг тафтидан кўнглилар ёришсин!

**Шоҳсанам МАҲМУДОВА,**  
**ЎзДЖТУ талабаси**

### ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

**Ишқингда зор бўлдуму гамгин димоғман,  
Бемори фуққатингману зоҳирда соғман,  
Ақлу ҳушум санинг била — ўздин йироғман,  
Кўрсат юзингни — толиби нури чароғман,  
Ҳажрингда дарду гам билан ҳасратда доғман.**

*Машҳур ҳофизлар маромига етказиб қўшиқ қилиб куйлаган ушбу шеърнинг муаллифини айтинг.*

**Жавобингизни 22 апрель соат 16.00 га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамларига кўнгиноқ қилиб беришингиз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган мухлис номи газетамизда эълон қилинади.**

**Ўтган сондаги саволнинг жавоби: Ресторан.**

*Тошкент шаҳри Яққасарой туманидан Шохрух Маҳмудов, Юнусобод туманидан Алишер Исмоиловлар тўғри жавоб йўллашди.*

Таажжуб, қизиқ	Бокс «тайми»				
Хонаки гул тури	Россия валютаси	Мотоцикл русуми	DVD, CD		
	Умрнинг беғубор палласи	Мирза (актёр)	Шифобахш гиёҳ		
Шаҳар (Хиндистон)					
		... ва болалар йили	Батальон бўлинмаси	Керак, зарур	
Инерт газ тури	Арифметик амал				
		Кошки, қани эди			
Суюқлик ўлчов бирлиги	Майса ранги	Афсона, ривоят			
		Энг олий ҳакам			

### YON DAFTARCHANGIZGA

Барча қаттиқ тугунлар билим туфайли ечилади.

**Юсуф Хос Ҳожиб**